

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 193 (10.248)

2004 ЙИЛ 7 ОКТАБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунни**  
Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСКА

● **УТТАН** кунни Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде «Маънавият кунни» тадбири уюштирилди. Мазкур олий ўқув юрти талабалари Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Қалблар тўлкини» бадиий фильмини томоша қилишди.

● **БУГУНДАН** Юнусобод туманидаги «Семург» оромгоҳида мактабларнинг «Камолот» ва «Камалак» етакчилари учун ўқув семинари бошланди. Ушбу анжуман 10 октябргача давом этади.


● **АКМАЛ** Икромов туманидаги мактабларнинг «Камолот» ЁИҲ ва «Камалак» болалар ташкилоти етакчиларига кўрақ нишонлари топширилди. Ушбу тадбир «Камолот» ЁИҲнинг Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** архитектура ва қурилиш институтида германиялик архитекторлар иш тажрибасини ўзлаштиришнинг истиқболларига бағишлаб семинар ва қурилиш иншоотлари лойиҳалари кўргазмаси бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-текшириш институтида полимерлар кимёсини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Дўстлик тароналари» мавзuida ўзбек бастакорлари томонида яратилган янги мусиқа асарларидан иборат концерт дастури намойиш этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати ва ўз**  
**мухбирларимиз**  
**хабарларидан.**



«Ютекс» корхонасининг 60 дан ортиқ турдаги кийим-кечак маҳсулотлари ички бозоримизни тўлдирмоқда.  
**СУРАТДА:** корхона тикувчиси Умида Комилова ўз ишидан мамнун.  
Козим Улмасов олган сурат.

## МАҲАЛЛА ВА ТАДБИРКОР

Пойтахтимизда «Маҳалла: тадбиркорликни ривожлантириш ва атроф-муҳит масалалари» мавзuida семинар-тренинг бошланди. «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси республика бошқаруви ушбу тадбирни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент Маркази (ЕХХТ/ТМ) билан ҳамкорликда ўтказмоқда.

Икки кун давом этайдиган анжуманда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, экология муаммоларини ҳал қилиш йўллари ва имкониятлари ҳусусида сўз юритилади. Семинар қатнашчиларига фуқароларга ўз бизнесини очиб, қонунчилик асосида иш юритиш, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш, молия манбалари - кредит, лизинг, шунингдек, чиқиндиларни қайта ишловчи технологиялар, экологияни химоя қилиш каби масалалар бўйича тавсия ва маълумотлар берилди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.

## МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан учрашувда ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама сармовий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустақамланиб бораётгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида юртимиз мутахассисларини ахборот ва телекоммуникация технологиялари бўйича Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юртиларида таҳсил олишини ташкил этишга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

## ФОТОАСАРЛАР ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

«Ўзбекистон: муҳаббат изхори» мавзuida иккинчи фототанлов ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан пойтахтимизда уюштирилган матбуот анжуманида «Hewlett-Packard» компанияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи вакиллари ушбу танловга анъанавий руҳ бериш ниятида эканликларини эълон қилишди.

Ўтган йили биринчи марта ўтказилган мазкур танловда 400 га яқин рассом ўзларининг 600 дан зиёд асари билан иштирок этиб, саккизта йўналиш бўйича ғолиблик учун даъвогарлик қилишган эди. Бу йил танлов шартига яна бир йўналиш киритилди. «Ўзбекистон хориқлик меҳмоннигоҳида» номинациясида дипломатлар, халқаро ташкилотлар ва чет эл фирмалари вакиллари, сайёҳлар қатнашиши мумкин бўлади.

— Биз танловни чин маънода оммабоп қилишга ҳаракат қилдик, — деди матбуот анжуманида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, танлов ҳайъати раиси Турсунали Қўзиёв. — Унда профессионаллар ва хаваскорлар, катта ёшдагилар ва болалар, талабалар ва пенсионерлар иштирок этмоқда. Энди эса танлов халқаро тус олмақда.

Танлов шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, қатор оммавий ахборот

воситалари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Асарлар Тошкент Фотосуратлар уйида шу йилнинг 19 ноябрга қадар қабул қилинади. 1 декабрь кунни эса шу ернинг ўзида танлов ҳайъати томонидан ажратиб олинган энг яхши фотоасарлар кўргазмаси очилди ва ўн кундан сўнг ғолиблиқнинг номлари эълон қилинади. Уларни рақамли фотоаппаратлар ва кичик фотопринтерлар кутмоқда.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**  
«Жаҳон» АА.

## МЕЪМОРЧИЛИК ВА ҚУРИЛИШ АНЪАНАЛАРИ

Кўргазмада Берлинда сўнгги йилларда бунёд этилаётган ноёб меъморий иншоотлар ва биноларнинг расмлари, лойиҳа ва чизмалари билан танишиш мумкин. Унда мамлакатимиздаги нодир обидалар суратлари, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида муҳассам этган янги иншоотларнинг макетларига ҳам кенг ўрин берилган.

ЎЗА

**XXI аср**  
Барча мавбалардан  
олжиган сўнгги хабарлар

## Мамлакатимизда

● Юртбошимизнинг жойларда амалга оширилаётган ислотлар жараёни, қишлоқ аҳлининг турмуши билан бевосита танишиш учун вилоятларга ташриф буюриши анъанага айланган. Ушбу анъанага кўра Президент Ислам Каримов кеча Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб фермер хўжаликлари далаларида деҳқонлар билан учрашди. Пудратчи оилалар фаолияти ҳамда «Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши билан танишди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида турли объектларнинг радиофаоллик даражасини ўлчаш ва атроф-муҳит мониторингини ўтказиш имконини берувчи Радиотаҳлил маркази очилди.

● «ЎздЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси келаси йилда ишлаб чиқариладиган автомобиллар сонини 110 минггага етказишни режалаштирмоқда. Шу мақсадда танлов асосида қўшма корхонага 700 га яқин маҳаллий ёшлар ишга қабул қилинади.

● Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигидаги Маргилонда фаолият кўрсата бошлаган «Тўёна» гиламчилик қўшма корхонаси 50 нафарга яқин ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлади.

● Денон туманидаги Генерал Собир Раҳимов ширкат хўжалиги аъзолари давлатга 2 минг тоннадан ортиқ хом ашё топшириб, Сурхондарё вилоятида биринчилар қатори пахта етиштириш йиллик шартномасини бажардилар.

## Жаҳонда

● АКШ Президенти Жорж Буш 70 мингга яқин қочкинлар 2005 йилда АКШга кўчмиш учун рухсат олишлари мумкинлиги тўғрисида қарор қилди.

● Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот Жанубий Африка Президенти Нельсон Манделлага ўшаёқ ўз қизини мустақилликка олиб чиққач истеъфога кетишини билдирди.

● Саудия Арабистони мамлакати нефть вазири Али Ал Нуямининг айтишича, ушбу араб мамлакати бир кеча-кундузда нефть қазиб чиқаришни 1,5 миллион баррелга кўпайтириш ниятида. Шу тариқа Саудия Арабистонида бир кунда 11 миллион баррель нефть қазилди.

● Халқаро Олимпия кўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон допингга қарши агентлик раҳбари Ричард Паунд 2020 йили Олимпия уйинларини ўтказиш тизимига ўзгартиришлар киритилиши мумкинлигини баён қилди.

**Иқтисодиёт**

**СИФАТЛИ, МАЗАЛИ, ХАРИДОРБОП**

Шайхонтохур туманида 1998 йилдан буён самарали фаолият юритаётган «Зулрух-Тоҳир» шўба корхонаси жамоаси ўзининг сифатли, хушбўй ва хуштаъм қандолатчилик маҳсулотлари билан ҳам-шаҳарларимиз эътиборини қозонмоқда.

Эътиборли томони, корхонада меҳнат қилаётган тажрибали, қўли ширин қандолатпазлар ёшларга ўз касб-корларининг сир-асрорларини сидқидилдан ўргатиб келмоқдалар. Жамоа ахли бугунги кунга келиб жуда кўплаб турдаги тортиқлар — «Шодлик», «Айём», «Сутли», «Киевча», «Қаймоқли», «Тўй учун», шунингдек, «Пирамида», «Куш сути», «Мевали», «Саватча», «Наполеон» каби пирожнийлари ҳамда бир-биридан мазали, 7 ёшдан 70 ёшгача севиб истеъмол қилувчи «Сарёғли», «Майизли», «Дўстлик», «Кокосли» печеньелари билан миҳозларни мамнун қилмоқда.

Жумладан, 2 турдаги хуштаъм прынқлар — «Асали» ҳамда «Кофели» аллақачон ўз харидорларига эга. Бундан ташқари 5-6 хилдаги бўрсилдоқ булочкалар, сифатли макарон маҳсулотлари — рожки, чиганоқли ва вермишеллар ишлаб чиқарилмоқда. Қувонарлиси, корхона ахли барча маҳсулотларини маҳаллий хом ашёдан тайёрламоқда.

**БУЮРТМА МУДДАТИДА БАЖАРИЛДИ**

«Ўзқишлоқхўжалик-машолдинг» компанияси тасарруфига кирувчи корхоналар орасида «Агрегат заводи» очик турдаги акционерлик жамияти жамоасининг алоҳида ўрни бор.

Мазкур жамият аъзолари ўтган ойда катта буюртмани бажаришди. Яъни республикамизнинг Фарғона, Сирдарё, Наманган, Андижон каби кўплаб вилоятларига ОВХ-600 русумидаги 500 донна пахтага ишлов берувчи агрегатлар тайёрлаб берилди. Корхонанинг ишчи-хизматчилари мазкур буюртмани ўз муддатиде бажариш мақсадида ишни 2, ҳатто 3 сменада ташкил этиб, дала меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиш учун анчагина тер тўқдилар.

Шунингдек, буюртмага асосан қишлоқ хўжалик машиналарига эҳтиёт қисмлар етказиб бериш мажбурияти ҳам кўзда тутилганди. Бу вазифа ҳам жамоа ахли томонидан муваффақиятли адо этилди. Умуман олганда, улар бугунги кунда 30 турдан ортиқ сифатли, ишлатишда қулай, чидамли агрегатлар ҳамда редукторлар ва кўплаб хилдаги харидорбоп халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, ички бозоримизни тўлдирish йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда ЎзЛДП сиёсий тузилмалар таркибиде ўз ўрнига эга бўлишга эриша олдими, деган ҳақли саволнинг туғилиши табиий. Бироқ бу ҳақда, назаримизда, ҳулоса чиқаришга ҳали бироз эрта бўлса керак. Шундай бўлса ҳам бу партия ҳақида кўпчилик бохабарлиги ва уни қўллаб-қувватловчилар тобора ошиб бораётганига айни пайтда либерал-демократик партияга хос бир неча мезонлар мавжудлиги сабабдир. Бу авваламбор фаоллик, мақсад сари интилиш, ўзига ҳосликдир.

ЎзЛДП биринчи галдаги вазифаларини амалга оширишда қандай ютуқларга эришиди? Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг ўтган тўққиз ойлик фаолияти тарҳисобига бағишланган конференцияда ушбу масала тўлиқ таҳлил қилинди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг барча туманларида либерал-демократик партиянинг туман кенгашлари тузилиб, улар ўз фаолиятини самарали ва барқарор юритиши учун ҳамма қулайликлар ва имкониятлар мавжуд. Хисобот даврида шаҳар ва туман кенгашларининг асосий иши партиянинг мақсад ва вазифаларини жойларда — маҳалла ва меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилишга, партия сифини ўзига ҳамфикр бўла оладиган инсонлар билан кенгайтиришга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Фаолиятга баҳо беришда рақамлар, албатта муҳим омиллардан бири. Ўтган вақт давомида шаҳар кенгаши томонидан 100 мингдан зиёд киши иштирок этган бир мингга яқин учрашувлар ташкил этилди. Натижаси эса, партия фаоллари фикрига қараганда, қутилганидан аъло бўлди. Ўтган вақт ичида 19 мингга яқин аъзоларнинг қамраб олган 838 та бошланғич ташкилотлар тузишга эришилди.

Сифат кўрсаткичларига келадиган бўлсак, партия аъзоларининг асосий қисми — 60 фоиздан зиёдини ишлаб чиқариш, савдо, транс-

порт соҳаларида банд бўлган тadbиркорлик субъектлари вакиллари ташкил этади. 30 фоизини таълим, фан, маданият, спорт, умумлаштирганда ижод ахли десак ашадманга бўламыз, зеро, улар айнан ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим бўгин — иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашишга манфаатдордир. Аъзоларнинг учдан бир қисми 30

майди. Турли соҳа экспертларидан таркиб топган ҳай'ат томонидан тақдим этилган лойиҳалар орасидан бугунги кунда қўллашга энг мақбул бўлганлари ташкилотчилар ҳисобидан амалиётга татбиқ этилиши ҳам кўзда қутилган. Ташкилотчилар орасида эса ЎзЛДПнинг Тошкент шаҳар кенгашидан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим ва-

биринчи навбатда қонунчилик ҳокимияти тузилмасида аниқ позицияни эгаллаш лозим деб ҳисоблайди.

Шубҳасиз, бу унчалик осон иш эмас. Зеро, сиёсий майдонда эндигина ўзини намоян эътиборан бу партия билан бир қаторда яна бошқа тўртта партия фаолият юритади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Фидокорлар», «Адолат», «Миллий тикланиш» партияларини ҳам ўзининг сиёсий нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, бўлажак сайловларда кўпроқ овоз тўплашга, икки палатали парламентада ўз фракциясини шакллантиришга, маҳаллий ҳокимият органларида ҳам муносиб ўрин эгаллашга ошқимокда. Вазият қандай кечишини, албатта, вақт белгилайди. Сайловларга эса унча кўп вақт қолмади. Демак, сайлов жараёнига тааллуқли субъектлар амалга ошираётган ишларини чамалаб, янада фаолроқ ҳаракат қилишлари лозим.

Асосий мавзуга қайтадиган бўлсак, дастлабки вазифаларини амалга ошириш жараёнида, ҳуусан, биринчи босқичдаги ташкилий ишларда, жойларда учрашувлар уюштириш борасида Ўзбекистон либерал-демократик партияси қутилмаган вазиятлар билан тўқнашди. Буни тушуниш қийин эмас. Хар бир янги ишда тажриба аста-секин орттирилади, ЎзЛДП эса эндигина бир ёшга қадам қўймоқда. Дарвоқе, бу ҳақда, йўл қўйган хатоларини беркитмаган ҳолда, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси очик-ойдин гапириб ўтди. Шунингдек, конференцияда келгусидаги ҳаракатлар дастурига ҳам тавсиф берилди. Бунда албатта, асосий урғу бўлажак сайловларга қаратилиб, бу борада айнаса партия номидан тақли этилаётган депутатликка номзодларнинг асосий вазифаларига тўхталиб ўтилди.

Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг раиси этиб Алишер Каримов сайланди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

*Сиёсий партиялар ҳаётида*

**ФАОЛ ҲАРАКАТЛАР ВАҚТИ**

**Мамлакатимиз сиёсий майдонига Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси келганига яқинда бир йил бўлади. Ушбу партия пировардида халқнинг фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган иқтисодиётнинг устувор йўналиши — тadbиркорлик ҳаракатини жадаллаштиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.**

ёшгача бўлган йигит ва қизлардан иборат бўлмоқда.

Партия ўзининг асосий мақсади деб иқтисодиётнинг барча тузилмаларига иқтидорли, интилувчан, яъни келажаги порлоқ, салоҳиятли, аммо турли сабабларга қўра ўз имкониятларини намоян этишга улгурмаган ёшларни жалб этишни ҳисоблайди. Бу борада кўп ҳаракатлар қилинмоқда. Жумладан, энг яхши бизнес-лойиҳа учун танлов эълон қилинган ва унда бугунга келиб нафақат халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган ўғил-қизлар, балки ўрта-махсус ва олий ўқув юрталари талабалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Танловга тўртта номинатсия — мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа, энг яхши маркетинг тadbиротлари, бизнес соҳасидаги энг яхши илмий излашлар ҳамда энг яхши маҳсулотлар, хизматлар ва технологиялар бўйича лойиҳалар қўйилган.

Жорий ой давомида танловга яқин ясаларида ва гоилиб-бир фақат пул мукофотларига сазовор бўлибгина қол-

зирилиги, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси, шаҳар савдо-саноат палатаси, бизнесга оид бир нечта тузилмалар ҳам бор.

Конференцияда жойларда бўлиб ўтган семинарлардан келиб чиққан ҳолда тadbиркорлар доирасида долзарб бўлиб қолаётган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, тadbиркорлар таъкиди билан айтганда, товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиққа тортиш жараёнини мувофиқлаштириш, уларга иш жойларини кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, импорт ўрнини қосувчи маҳсулотлар чиқаришда имтиёзлар кўзда тутилиши лозим. Ишбилармонларни кўпроқ маҳаллий инвесторларга хорижий сармоядорлар қаторида бирдай ҳуқуқ бериш масаласи қийин бўлади. Шунингдек, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар «тили» соддалаштирилиши, улар фақат мутахассисларга эмас, балки барчага тушунарли бўлишига эришиш керак деган тақлифлар ҳам билдирилди.

Шу каби масалаларда тadbиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида ЎзЛДП

*Касаба уюшмаларида*

**ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ**

Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган таълим-тарбия соҳасида узок йиллар фаолият кўрсатаётган устоз-ўқитувчилар ва шаҳар касаба уюшмаси Кенгаши стипендиясига лойиқ топилган талабаларни тақдирлаш ва гувоҳномалар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тadbирда сўз олган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид Содиков йўлчиларни табриқлаб, уларнинг иш ва ўқишларида омадлар тилади. Ва шаҳар касаба уюшмалари

Кенгаши стипендиясига сазовор бўлган олий ўқув юрталарининг беш нафар талабасига гувоҳномаларни топширди. Беш нафар ўрта-махсус ўқув юрталари талабаларига эса эсдалик совгалари топширилди.



Энди Кенгаш қарорига қўра ўқиш ва жамоат ишларида тенгдошларига намуна бўлиб, «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг стипендианти» гувоҳномасига эга бўлган талабалар сентябрь ойидан бошлаб олти ой давомида ўзлари таҳсил олаётган ўқув муассасаси белгиланган ойлик стипендия миқдоридан эллик фоиз ортиқ миқдоридеги стипендияни оладилар. Тadbирда талабалар номидан Ўзбекистон Давлат кон-



серваториясининг 4-курс талабаси, халқаро танлов совриндори, «Ниҳол—2003» мукофоти соҳибаси Оксана Нечитайло, 1-Тошкент Педагогика коллежининг 3-курс талабаси Моҳирахон Жўраевалар сўзга чиқиб кўрсатилмаган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдириб, яхши ўқиш, намунали хулқ билан ушбу ишонч-ни албатта оқлашга ваъда бердилар.

Шунингдек, узок йиллар ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган тadbиркор устозлар шайнига ҳам илиқ сўзлар айтилиб, эсдалик совгалари топширилди.

Лола ОРИФХУЖАЕВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетининг 2-курс талабаси. СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашида бўлиб ўтган тadbирдан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

*Маълум*

**КАФЕДРА  
ИЗЛАНИШИ  
САМАРАСИ**

Тошкент Молия институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси олимлари томонидан ёзилган бир неча ўқув адабиёти чоп этилди. Яқинда босма юзини кўрган «Бухгалтерия ҳисоби» дарслиги ҳам энг яхши кўланмалардан бири деб топилди.

Олий ўқув юрти магистрантларининг навбатдаги анъанавий илмий-амалий конференцияси доирасида уюштирилган ўшбу дарслик тақдимида ҳам унинг мазмун ва мундарижаси ҳақида яхши фикрлар билдирилди. Анжуманда иштирок этган иқтисодий йўналишдаги ўқув юртли профессор-ўқитувчилари берган баҳо ҳам юқори бўлди.

Ўзбек тилида биринчи бор босмага тайёрланиб «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган мазкур дарслик чет эл тажрибаси асосида бой тажрибаларга таянган ҳолда яратилганлиги билан ҳам қимматлидир.

**МАРКАЗДА  
ЎҚУВ КУРСИ**

Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳузурида бир неча илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида телекоммуникация ва ахборот технологиялари масалалари билан шугулланувчи марказлар алоҳида ажралиб туради.

Шу ўринда бундай технологик жараёнларга аёлларни жалб қилиш билан беvosита шугулланаётган марказни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бу ерда талаба қизлар ва ўрта ёшдаги аёллар компьютер қурилмалари билан «тиллашиб» телекоммуникация технологияларини пухта ўзлаштирмоқдалар.

Ўшбу марказ фаолияти янада кенгайди. Унинг ҳузурида янги ташкил топган ўқув курси ўз машғулотларини бошлаб юборди.

«УЗИНФО Ком» деб номланган мазкур тренинг курси тингловчилари замонавий компьютер техникасини ўзлаштириш кўникмасини ҳосил қиладилар.

Шу мақсадда тингловчиларга компьютер қурилмалари ажратилди.

**Ақбар АЛИЕВ**

Польшанинг етакчи нашрларидан бири ҳисобланиши «Трибуна» газетасида «Ўзбекистон: ислохотларнинг дадил режалари» номли мақола эълон қилинди. Журналист Михал Пжечек унда қуйдагиларни таъкидлайди: «Дон етиштириш, энергетика соҳаларидаги муваффақиятлар, авиация ва тоғ-кон тармоқларида ишлаб-чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши, янги – автомобил саноатининг яратилиши – бу замонавий Ўзбекистоннинг кифасидир. Мустақиллик кўлга киритилгунча республика асосан хом-ашё манбаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ўлка бўлиб келаётган эди. Мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар жараёни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан тақлиф қилинган беш тамойил асосида амалга оширилмоқда».

**ПОЛЬША — ЎЗБЕКИСТОН:**

**ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА**

Муаллиф республика раҳбарияти томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароит боис Ўзбекистон 140 мамлакат билан иқтисодий муносабатда экани ва товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсиб бораётганига эътибор қаратади. Ишлаб чиқариш тармоқларининг дадил ривож топаётгани экспорт салоҳиятини ошишига олиб келмоқда.

«Трибуна» хусусий тармокни муваффақиятли ривож топаётгани, бунда кичик ва ўрта бизнес муҳим ўринга эга эканини эътироф этади. Ушбу корхоналарда 260 мингдан ортиқ янги ишчи ўринлари барпо қилинган. Ўзбекистонда давлат мулки хусусийлаштирилмоқда. Ушбу жараён ҳали ниҳоясига етказилганича йўқ, бироқ ўзгаришлар орқага қайтариб бўлмас руҳ олган.

**«Жаҳон» АА**

**БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ  
ЙЎЛИДА**

«Саломатлик туман бойлик», дейди доно халқимиз. Айниқса келажакимиз давомчилари бўлмиш ёш авлоднинг эртаси, соғлом турмуш тарзи ва саломатлиги энг долзарб вазифалардан биридир. Зеро болалар эртанги куннинг нури давомчиларидир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида икки кун давомида «Болалар хирургияси, травматология ва нейрохирургияси, анестезиология ҳамда реаниматологиясининг актуал муаммолари» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамкорликда ўтказдилар. Тадбирни очар экан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров олимлар ва амалиётдаги шифокорлар ўртасидаги мулоқотнинг кенгайишига, ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини яхшилаш, болалар хирургиясининг долзарб

муаммоларини ҳал этишда, шифокорларга ёрдам беришда ушбу анжуманнинг алоҳида ҳиссаси бўлишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, анжуманда Россиядан ташриф буюрган меҳмонлар, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор Эдуард Степанов, профессор Леонид Рощаль, профессор Анатолий Пугачев «Шошлинч болалар жарроҳлигининг долзарб муаммолари», «Болалар урологиясининг замонавий аспекти», «Болаларда ўт йўллари-нинг кистоз зарарланишида жарроҳлик муолажаси» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Конференцияда болалар жарроҳлигида янги йўналишлар ва техноло-

гиялар, жигар, буйрак, ўт пуфагидаги тошларни енгилроқ жарроҳлик йўллари билан даволаш ва бу борадаги ишлар ҳақида ҳам баҳс ва мунозаралар бўлди. Болалар соғлигини тиклаш, замонавий шифо усулларини тарғиб этиб, турли хил касалликларнинг олдини олиш, жарроҳлик бобида янги ва енгил огриксиз усуллар билан даволаш конференциянинг асосий мақсадини ташкил этди.

Анжуманда Ибн Сино номли Тожикистон Давлат тиббиёт институти, Бошқирдистон, Қозоғистон, Воронеж, Бухоро, Самарқанд давлат тиббиёт институтларининг профессорлари ҳам иштирок этдилар.

**Гулчехра САТТОР қизи**

*Эътибор*

Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni юртимизда байрам сифатида кенг нишонланади. Зеро, ҳар биримизни кичик чоғимизданок жажжи кўлимиздан тутиб ёзишни ўргатган, илм хазинасини кўрсатган, меҳридарё устозларимиз байрам бизнинг ҳам байрамимиздир.

**КЎТАРИНКИ  
РУҲДА ЎТДИ**

Яқинда Бектемир тумани ҳокимлиги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси Бектемир тумани бўлими ташаббуси билан Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni муносабати билан катта байрам тадбири ўтказилди. Унга кўп йиллар давомида ўқитувчилик касбини шараф деб билди, ёшларга илм ўргатган фахрий устозлар тақлиф этилди.

Тадбирда туман ҳокими Акмал Хошимжонов сўзга чиқиб, ушбу қўллуғ кун билан барча устоз ва мураббийларни табриклаб, ўзининг самимий тилакларини билдирди. Туман маданият уйи хонанда ва созандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар устоз-



ларни даврага тортиди. Барча ўқитувчиларга эсдалик совғалари ва гуллар тақдим этилди.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТДА:** байрам тадбиридан лавҳа.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония марказида Кунчиқар юртнинг икебана - гулдасталар тузаш ва сайқал бериш санъатида бағишланган машғулотлар бўлиб ўтди. Тадбир Япониянинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Машғулотларни умрининг ярим асрдан кўпрогини мазкур санъат ривожига бахшида этган Ямада Мидори олиб борди.

*Ўзбекистонда Япония маданияти кўнлари*

**ГУЛЛАР БИЛАН  
ТИЛЛАШИШ САЊЪАТИ**

Японияда икебана санъати ўн тўртинчи асрда пайдо бўлган ва дастлаб фақат аслзода эркакларга хос машғулот саналган. XVII асрга келиб бу санъат билан аёллар ҳам шугуллана бошлаган. Икебанада гул, шох ва новдалар инсон, осмон ва ер рамзи ҳисобланган. Айтишларича, Япония маданиятининг узвий қисми саналмиш икебанада уни бе-

ган ва тузган кишининг дунёқарashi, рухий олами, маънавий кифаси яққол намойён бўлади.

Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичиро Кусумото иштирок этди.

«Хамдўстлик» аёллар клубида ҳам шундай машғулот бўлиб ўтди.

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

**«Инсон ва замон»**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси «Соғлом авлод учун» халқроқ ноҳукумат хайрия жамғармаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадий академия билан ҳамкорликда «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида «Инсон ва замон» мавзuida адабий-бадий анжуман ўтказди.

Украина фашист босқинчиларидан озод этилганининг 60 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда уруш фахрийлари юртимиз Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб украинлик-

лар ва ота-онасидан жудо бўлган бошқа миллатлар фарзандларини ўз бағрига олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатгани ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон Бадий акаде-

мияси Марказий кўрғазмалар залида ўша машаққатли уруш йиллари оид фотосуратлар ва ёзишмалардан иборат кўрғазма ташкил этилди.

**Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири**

*Анжуманлар*

**АХБОРОТ  
ТИЗИМИ ВА  
КУТУБХОНАЛАР**

Абдулла Кодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Ўзбекистон кутубхоналари янги ижтимоий-сиёсий ва ахборот тизими шароитида» мавзuida республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда кутубхоналарнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ўрганилди, маданий тарихотнинг янги усуллари, йўллари тавсия этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг директори Абдусалом Умаров «Ўзбекистонда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг социологик асослари», Тошкент Давлат маданият институти профессори Эргаш Йўлдошев «Кутубхона фондининг ижтимоий вазифалари» мавзуларида батафсил тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, ахборот тизимининг шаклланишида кутубхоналарнинг аҳамияти, Интернет тизимининг ахборот танқислигини бартараф этишдаги роли каби масалалар ҳам таҳлил этилди.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**



### ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА

Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодийни ривожлантириш йўлида хорижий сармояларни киритаётган қўшма корхоналар сони ошиб бормоқда. Тадбиркорликка кенг йўл очилиши билан юртимиз тадбиркор ва ишбилармонлари бошқа давлатлар инвесторлари билан шартнома асосида ҳамкорликда янги қўшма корхоналар тузишмоқда. Икки томон сармояси ва тажрибаси уйғунлашган ушбу корхоналар ҳозирда ривожланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

1998 йил Италиянинг «Велко Индустириал СПА» ва «Драйтон» фирмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси ва «Бинокор» қуриш конструкциялари акциядорлик жамияти томонидан қўшилган 2 миллион 200 минг АҚШ долларлари улуши ҳисобидан «Агрокерамика» қўшма корхонаси ташкил этилган эди.

Хамкорликдаги корхона ҳар икки томондан ажратилган маблаг эвазига кундан-кунга ривожланиб бори. Сопоп плиткалар тайёрлашга ихтисослашган корхона маҳсулотлари ўтган йили 2 мил ва 12 рангда ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда маҳсулот дизайни тубдан ўзгаририлди. Бозорни ўрганган ҳолда, харидор дидига мос янги турдаги плиткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улама плиткалар, устки қисми жимжямдор дизайндаги керамикаларнинг ҳозирда бозори чаққан.

Айни пайтда маҳсулот учун зарур хом ашёнинг 95 фоизи республикаимизнинг Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидан келтирилади.

Италиядан келинган замонавий технологиялар асосида иш олиб борувчи корхона ходимларининг иш жараёни икки сменада ташкил этилган.

— Корхонамиздаги 120 нафар ишчи-хизматчиларимизнинг кўпчилиги малакали мутахассислар ҳисобланади, — дейди «Агрокерамика» қўшма корхона раҳбари Темур Аҳмедов. — Уларнинг ҳар бири учун мўлжалланган ўзларига тегишли иш юк-ламалари бор.

Ҳозирда корхона жамоаси тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати, ташки қўрилишига алоҳида эътибор бериб рақобатбардош сопоп плиткалар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Албатта, қаерда бўлмасин жонкуяр, ўз ишининг устаси, кўпчиликлари ўрнак бўладиган малакали ходимлар бор экан ишлар унути

қўзга яққол ташланади. Владимир Баяв, Равшан Мамуталиев, Саодат Мамадиева сингари корхонанинг тажрибали ишчилари ҳозирда ёшларга ўрнак бўлиб келимоқда.

Бугунги кунда «Агрокерамика»да тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизда ўзининг муносиб ўрнига эга. Корхона маҳсулотлари айни пайтда республикаимиздаги лицей ва коллежлар қурилишида қўлланилмоқда. Шунингдек, корхона ўзининг доимий буюртмачиларига ҳам эга бўлиб, улар Сурхондарё вилоятидаги «Сувқурилиш» акциядорлик жамияти, 159-қурилиш трести, «Паркентсувқурилиш» трестларидир. Йил бошида Қозғистон билан шартнома тузган қўшма корхона жамоаси тез орада шартнома шартларини ўрдалашга ҳаракат қилишмоқда.

Озода РАҲМАТОВА  
СУРАТЛАРДА: сараловчи Саодат Мамадиева ўз ишидан мамнун

## ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ЖАҲОН КЎЗГУСИДА

Қурраи замин ахборот тизимини тезлаштирган Интернет тармоғи бизнинг юртимизда ҳам кенг қўлланилиб, ўз имкониятларини намойиш этмоқда. Айни вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир корхона, ташкилот, қолаверса яқка тартибдаги шахслар ҳам бу «ўргимчак тўри» орқали дунё ахборотидан хабардор бўлиш имкониятига эга. Дарҳақиқат, XXI аср — ахборот-компьютер технологиялари асридир.

Жамият замон талабларидан келиб чиққан ҳолда Интернет тизими орқали юртимизда фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳақидаги ахборотларни бутун дунёга тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Жамоамиз ташкил топганлиги атига бир ой бўлмоқда, аммо мана шу кисса вақт давомида пойтахтимизда фаолият юритаётган 10 миңдан ортиқ корхона, ташкилотлар ўзлари ҳақидаги маълумот

ларни Интернетнинг WEB саҳифасидаги расмий WWW.uz сайтидаги ахборот тарқатиш базамизга жойлаштирди. Қувонарли томони шундаки, Америка, Австралия, Россия, Греция каби 15 га яқин дунёнинг ривожланган давлатлари биз билан алоқага кирди — дейди жамият раҳбари Озод Музаффаров. — Расмий ахборот базамизга киришни истоган тадбиркорлар учун тўлов йўлига йиғирма миң сўмини ташкил қилиб, сайтга корхона

номи, иш фаолияти, ташкил топганлиги, айланиш кунларида қанча ходим фаолият юритаётганлиги, қанча бўш ўринга эгаллиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг турлари, корхона раҳбари билан бош ҳисобчисининг телефон, факс, электрон почта рақамлари киритилди. Бундан ташқари тадбиркорларга тегишли маълумотлар, янгиликлар, қўнун ва қарорларни ҳам мана шу сайтга жамлаб, талаб даражасида реклама ҳам берамиз.

# ТАДБИРКОР

### Сураги, жавоб берамиз

## ЯҚИН ҲАМКОРЛАРИМИЗ КИМЛАР?

Тадбиркорлик билан шуғулланган одамнинг мен каби хусусий бизнесчилар аксарият тез-тез ахборот ва турли маслаҳатларга муҳтож бўлади. Шу боис ҳам савдо-саноат палаталари қошидаги ахборот-маслаҳат марказларининг бу борадаги вазифалари ҳақида маълумот беришимизни сўраймиз.

Забаржат Мўҳсимова,  
Отабек Сулаймонов,  
Мирзо Улугбек тумани.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес-

ни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш мақсадларинда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 майдаги қарорига асосан ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилди. Марказ тадбиркорлар учун турли хилдаги ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сони, хизмат кўрсатиш турлари, уларнинг нархи, ўлчамлари, етказиб бериш муддатлари, асосий истеъмолчилари, малакали хуқуқий маслаҳатлар олиш, хорижий инвесторлар, технологиялар, солиқ бўйича имтиёзлар, кредит олиш тартиби, бизнес-режа ва таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда бошқалар ҳақидаги кенг, энг сўнгги маълумотларни олишда қўмақ бериб, тадбиркорлар эҳтиёжларини ҳал қилиши мақсад қилиб қўйилган.

Шунингдек, тайёр маҳсулотларни со-

тиш жараёнини барқарорлаштиришда, хом ашё ва малакали меҳнат захирасига боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, ҳамкор ва шериклар ёрдамида ўз капиталини етарли миқдорда тўплашда керакли ёрдамларни ташкил этиш кредит олиши учун берилган аризаларни қўриб чиқиш ва тендер қолибларини аниқлаш, доимий танлов комиссияларида иштирок этиш; жумладан, соҳани ривожлантириш учун долзарб бўлган ҳўжалик юретиш йўналишидаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни жойларда оммалаштириш, кичик ва хусусий бизнеснинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга ёрдам бериш ва бошқа хизмат турлари қиради. Ууллас, тадбиркорлар учун марказ ходимлари энг яқин ҳамкорларга айланган.

### Мунозаза

## АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ

• **Вазира АЛИМОВА, тадбиркор аёл:**

— Шунингдек, таъкидлашнинг хоҳардимки, кейинги йилларда тадбиркорликка ҳукуматимиз томонидан қатта эътибор қаратилмоқдаки, бундан биз, ишбилармонлар жуда миннатдоримиз. Айниқса, иккинчи қақриққ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига кенгроқ йўл очиш, улар олдидидаги гов ва тўсиқларни олиб ташлаш ҳақида муҳим фикрлар билдирилди.

Мен ҳам бир неча йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқдаман. Меҳнатим билан юртимиз иқтисодиёти ривожига имкон қадар ҳисса қўшиб келмоқдаман. Кичик корхонамизда тайёрланаётган кийим-кечаклар ички бозоримизда аллақачон ўз мижозларига эгаллиги бизни эндиликда қониқтирмапти, чунки режаларимиз жуда катта. Бозорни тинмай ўрганишимиз асосида ва маҳсулотларимиз сифати асосий эътибор қаратган ҳолда иш юритаёмиз. Кейинги марра эса хориж бозорларини забт

Ахборот базамиздан ишбилармонлар ўзларига керакли бўлган маълумотларни олишлари билан бирга савдо қилиш имкониятларига ҳам эгадир.

Шунингдек, таъсисчиларимиз «Sharq Telekom» ёпиқ акциядорлик жамияти, «AVAREK» масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда аъзоларимизга компьютер савдосида, Интернет тизимига ула-нишларига ҳам ёрдам берамиз.

Кишиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ривожланишининг бугунги кундаги талабларидан биридир. «INFOLINE BUSINESS» масъулияти чекланган жамияти ана шу эҳтиёжни қондириш, дунё кўзгусида юртимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни кўрсатиш билан бирга экспорт салоҳия-тининг ҳам кўтарилишига асосий сабаб бўлади.

Шахло ҲОШИМОВА

### Бозор ва харидор

## МИЖОЗЛАР ТАЛАБИ АСОСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни рағбатлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан қатта эътибор қаратилмоқда. Шундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тадбиркорлар ўзларининг ривожланиш йўлларини тўғри белгилаб олишган. Шайхонтохур туманидаги «Koput» масъулияти чекланган жамияти жамоаси импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сирасига қиради.

Албатта, корхонанинг самарали иш юритишида тадбиркор раҳбар, ғайрат-шижоатли, доимо изланувчан, дилкаш инсон Улугбек Абдурахмоновнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Ҳар бир тадбиркор аввало фаолияти давомида замон билан ҳамнафас бўлиши, янгиликлар яратишга интилиши зарур, — дейди «Koput» корхона директори Улугбек Абдурахмонов. — Энг муҳими, мижозлар кўнглини топиш ҳамда уларнинг талабига «лаббай» деб жавоб бериш, деб ҳисоблайман. Чунки бугунги харидор диди, талаби ўсиб бормоқда, шунинг учун ҳам ички бозоримиздан факатгина рақобатбардош маҳсулотларгина мўҳим ўрин олиши ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур корхона жамоаси ўтган йили иш фаолиятини 3-4 нафар ходимлар билан бошлаган бўлса, метронинг «Тинчлик» бекати ёнида ижарага олинган бинода пардалар салони ҳамда тикувчилик ишлаб чиқариш цехи мавжуд эди. Ҳозирги кунга келиб жамоа сафига 30 нафарга яқин малакали, маҳоратли усталарни бирлаштирди. Эътиборли томони, «Чорсу» бозори яқинида корхонанинг европача жиҳозланган дар-пардалар салони, мебеллар қўзғалмаси ишлаб турибди ҳамда ўзбекча, туркча таомлар ошхона-си ва қаҳвахона яқин кўнларда ўз мижозларини қабул қила бошлайди.

Айниқса, қаҳвахонада хўрандалар учун яратил-ладиган ёқимли муҳит — аквариумли столлар ажиб-ажаб уйғотиб, иштахани очиши билан бирга, касбларингизга ором ҳам бағишлаши, шубҳасиз. Бу ерда бирварақайига 100 нафар хўрандага на-мунали хизмат кўрсатилиши кўзда тутилмоқда. Қаҳвахонада алоҳида жиҳозланган кичик, оилавий тантаналар нишонлинишига мўлжалланган VIP хона ҳам таширф бурорувчиларнинг маданий хордиқ чиқаришларига хизмат қилади.

«Koput»чилар ички бозоримизни синчковлик билан ўрганиши асосида ҳамда харидорларнинг талабларини инобатга олган ҳолда иш юритиб, факатгина сифатли — Туркиядан келтирилган хом ашёдан дарпарда, ошхона термалари, ётоқхона, ваннахона, киравериш учун шакфлар ҳамда турли хилдаги жиҳозлар тайёрлашади. Жумладан, замонавий, бир-биридан чиройли, қўлай, кўркам жалюзилар ҳамда аксессуарлар ишлаб чиқаришмоқда ҳамда туркиялик етакчи мутахассислар билан ўзаро маънафатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар ҳозирги кунда маҳаллий ёшларга ўз иш тажрибаларини ҳамда касбларининг сираскорларини эринмай ўргатмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан кели-либ чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган импорт босувчи маҳсулотларнинг харидорчилиги таҳсинга лойиқки, улар хориж-дан келтирилганидан анча арзон ҳамда баҳарлиши муддатлари миқозлар хоҳиш-истаги асосида амалга оширилади.

Мабеллар учун бугунги кунда дунёда кенг қўлланилаётган пластика, сунъий тош ҳамда ДСГлардан фойдаланилади. Мазкур қурилиш материаллари хонадонларга нафақат жозоба, кўркамлик бағишлайди, балки экологик тоза, чидамли, енгиллиги буюртмачилар эътиборини тортмоқда.

Қувонарлиси, жамоа аҳли бе-пул иссиқ тушлик билан таъминланади, ойлик маошлар ўз вақти-да тўланади. Шунингдек, корхона тадбиркорлари ҳадемай, янги иш жойлари яратиш ҳисобига 15 нафар фуқароларни иш билан таъминлайдилар.

Қисқаси, корхона жамоаси тадбиркор, хуқуқий билимлар эгаси бўлган раҳбар бошчилигида давр билан ҳамнафас, янги-янги режалар, юксак мақсадларни қўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқда. Томчида қўёш акс этгани каби Улугбек Абдурахмонов каби тадбиркорларимиз қўлайиб, эл қорига ярайдиган ишбилармонлар ҳаётимизни фаровонлаштиришнинг асосий омили ҳисобланган юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшадилар, деган фикрдамиз.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: «Koput» масъулияти чекланган жамиятида фаолият юритаётган туркиялик етакчи мутахассис Ошқин Юрдакул ҳамда тажрибали менежер Вероника Денисовалар янги келтирилган мато-лар сифатини яна бир бор кўздан кечирмоқдалар; корхонада тайёрланган ошхона мебеллари жуда харидорбоп; жамоанинг ёш, ишчан мебел йиғувчиси Даврон Муродов ўз касбини эъзозлайди.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Кўпнинг дуосини олган инсон икки дунёда ҳам саодат топади, қадрланади. Бугунги кунда миллийлигимизни тарғиб қилиб келаятган, бизга қадимдан мерос зардушлик аъёнларимизга янада сайқал бериб, устоз-шоғирдилик йўналишида иш олиб бораётган Рустамбекова хусусий фирмаси раҳбари Гулнора опанинг ишлари кўпчиликлари ибрат бўлгулик. Бу тадбиркор аёл бугунги кун имкониятларидан оқилона фойдалангани ҳолда оилавий зардушлик корхонасини очиб, миллий кийимлар, матога гул босиш, дўппи, шарфлар, мунчоқли кийимлар ҳамда попончилик ва турли хил пардалар тикиш билан шуғулланиб келмоқда.

— Хунар ўрганиш, унинг барча сираскорларини мукаммал эгаллаш кишидан кунт, маҳорат, сабр-бардош ва уквуллиликни талаб қилади, — дейди Гулнора опа Рустамбекова. — Ҳам бу хунарни ўрганишда кўп қийналганман. Аммо унга иштиёқим баландлиги боис талабчан устозимнинг ҳар бир кўрсатмаларига амал қилганим учун мана бугун келиб ўзим ҳам ёшларга устозлик қиломқдаман.

Инсоннинг қўли гул деб беҳизга ай-тишмаган. Ҳўзаллик яратувчи кишининг қалби ҳам ғўзал бўлиши керак. Хунарманд аёл Гулнора опанинг айни пайтдаги ишларини кўриб кўз қувнайди. Миллий либосларимизга ўзига хос услубда нақш солиш, матога нафис

## МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИМИЗ ЖИЛОСИ

Халқимизда «Хунар, хунардан ризқинг унар» деган ибратли мақол бор. Ҳар ким ўз хунарига меҳр қўйса, бир кун келиб, шу хунари орқали уни эл танийди, юртининг дуосини олади.

Гуллар босиш, оддий мунчоқлардан ғўзаллик яратиш маҳоратини мукаммал эгаллаган тадбиркор аёл фарзандларининг ҳам бу хунарга меҳрлари баланд.

Г.Рустамбекова республикаимизда ўтказилган «Ташаббус-2004» танловида қатнашиб, «Энг яқин хунарманд» номинацияси бўйича 2-ўринни эгаллади. Меҳр ва муруват йилида Гулнора Рустамбекова ўз маҳалласида кам таъминланган оила келинларига бепул хунар ўргатиб, уларга бе-миннат ёрдам кўрсатмоқда.

— Кўзни яшнатувчи либослардаги нафис нақш ва гулларга хунарманднинг меҳр кўри, кўз нури қўшиб тикилган бўлади. Ана шундангина бу кийимни ҳам бир санъат асари десак ҳамто қилмаган бўлаемиз, — дейди сўзини давом эттириб Гулнора опа. — Биласизми,

гоҳида битта тўнни тикиш учун хафтаб вақт сарфлаймиз. Айниқса майда мунчоқлар билан гуллар четини безаш кишидан катта дид ва маҳоратни талаб этади. Ҳар ким ҳаётда ҳар хил йўлни танлайди. Мен эса ўз хунарим билан тирикман. Мана шу хунарим орқали халқимга хизмат қилаётганимдан бахтиёрман.



Орзугул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: Гулнора Рустамбекова шоғирдлари билан; миллий либослар қизларимиз кўрки.

## Шарқ дурдоналари

## ОЗ УРАНИШ

### Дона бўлур...

• Агар киши эхтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча эътибор тамғасини нафс итнинг бўйнидан олиб, гадолар каби қўлни очиб, ўтинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегиримондек саргардон айланаб қорин тўйдириш пайида бўлса, яхсиси обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани маъқул.

• Йигитни балоғат ёшига етиши билан уйлантириб қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди, одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди.

• ҲИҚМАТ. Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

• Бир киши олдинга келиб, бировни гийбат қилса, уни рост айтаяпти деб ўйлама. Балки уни бу феълдан қайтар. Узинг ҳам бундай сўз ва феълдан ҳазар қил!

• ҲИҚМАТ. Сукрот ҳақим айтади:

— Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор! Байт:

**Зулм асосига  
қурилган бино**

**Ғазаб оташидан  
вайрон бўлажак!**

• Ошқор айтилган таъна кўнгилда яширилган гинадан яхши.

• Пулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналиқдан кўра дахшатлироқ.

• Жавобга шошилган киши хатога йўл қўяди.

• Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садқат.

• ҲИҚМАТ. Инсон ғўзаллигининг асоси унинг қиройли хулқидир.

**Чиройли хулқ билан  
инсон инсондир.**

**Четдан боқсанг  
шакли ҳаммаси бир хил.**

**Рангу ҳиди билан  
фарқи билинар.**

**Ёшлиқда бир хил  
бўлган «гулу гил»!**

• Бир ҳақимдан: «Хушлук киши қандай киши?» деб сўрадилар. Ҳақим: «Ҳеч нарсадан ранжмайдиغان киши!» деб жавоб берди. Ёмон хулқи киши ҳақимда сўраганларида эса: «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» деб жавоб берди.

• Мехмонга борганида уй ағасидан сув ёки тузгина сўраб олишнинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади.

• Бир мехмон: «Мехмон учун мезбоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ», деб ҳазиллашган эди.

Чунки мехмоннинг олдига овқат олиб келинса-ю мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса мехмон бемалол еяолмаслиги мумкин.

• Мехмонда улуғ одамлар ўтирган бўлса овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқилмайдиган томонга қарайверма.

## Ўзбекистон ва жаҳон

## ИШБИЛАРМОНЛАР КОНГРЕССИ

Варшавада «Интеграциялашган жаҳон бозорларида кичик ва ўрта корхоналар» мавзuida 31-жаҳон кичик тадбиркорлик конгресси якунланди. Польша пойтахтига дунёнинг 60 та мамлакати вакиллари қаторида Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Ш.Абдуллаева бошчилигидаги хайъат ҳам ташриф буюрди.

Жаҳон кичик тадбиркорлик конгресси (ISBC) 30 йилликдан ортиқроқ тарихга эга. Ушбу анжумандан кўзланган мақсад кичик ва ўрта корхоналарни тарғиб қилиш, уларнинг турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини кўрсатиш, ишбилармонларнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қўмақ беришдан иборат.

Конгресснинг тантанали очилиш маросимида Польша президенти А. Квасьневски сўзга чиқди. Шундан сўнг уч кун давомида анжуман иштирокчилари «Давлат ва минтақалар стратегиясида кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг ўрни», «Фан кичик ва ўрта тадбиркорликни тараққий эттириш манфаатлари йўлида», «Кичик ва ўрта корхоналарни

ривожлантиришда молиявий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти», «Тадбиркорлар ташкилоти ва ҳудудий ўзини-ўзи бошқаришнинг вазибалари» каби мавзуларда мунозаралар олиб боришди.

Конгресс доирасида Ш.Абдуллаева ҳамда Польша иқтисодиёт ва меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари Я.Пехота ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва Тошкентда Польша миллий кўргазмасини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, ўзбек хайъати аъзоларининг «Bumar», «Budimex» ва «Abplanalb» компаниялари раҳбарлари билан мулоқотлари бўлиб ўтди.



## ҲИНД МУМТОЗ РАҚСЛАРИ ЎЗБЕК РАҚҚОСАСИ ИЖРОСИДА

Дехлидаги «Тривени Кала Сангам» маданият саройида ўзбекистонлик раққоса Малика Умарова ижросидаги рақсларнинг таҳдимоат кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбек раққосаси назорат ва маҳорат билан ижро этган «Мангалачаран-Маникя вина», «Кальяна паллави», «Мокшя» номли ва бошқа ҳинд мумтоз рақслари маданий кеча қатнашчилари томонидан гулдурас қарсақлар билан олқишланди.

Малика Умарова Ҳиндистон Маданий алоқалар кенгаши йўлланмаси билан Дехлидаги Шрирам Бхаратия Кала Кендра рақс институтида Орисси рақслари бўйича таҳсил олган. Ушбу услубдаги ҳинд миллий мумтоз рақсларини ижро этиш раққосадан жуда катта тиришқоқлик, маҳорат ва меҳнатни талаб этади. Чунки

ҳинд мумтоз рақслари замирида чуқур фалсафий мазмун ва моҳият этади. Бир пайтлар бундай рақслар фақат ибодатхоналардагина ижро этилган.

Тадбир ниҳоясида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Иброҳим Мавлонов ўзбек раққосаси Малика Умарова ҳамда унинг Ҳиндистонлик устози Алока Паникар хонимни муваффақиятли ўтган ушбу таҳдимоат билан қутлар экан, мазкур маданий тадбир Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ришталар изчил ривож толаётганидан далолат бераётганини қайд этди.

## ПАТЕНТ ЭКСПЕРТИЗАСИ — МАСЪУЛИЯТЛИ ЮМУШ

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ва Европа патент ташкилоти ҳамкорлигида патент экспертизаси ўтказишнинг айрим жиҳатларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Патент экспертизаси ҳар бир ихтиронинг жаҳон миқёсида янгилигини ва аҳамиятини аниқлаштириш юзасидан ўтказилади. У фойда мураккаб ва масъулиятли иш бўлиб, мутахассисдан патент бўйича жаҳондаги барча маълумотлардан бохабар бўлиб боришни, уларни чуқур таҳлил қилиб, моҳиятини тўла англаб етишни талаб этади. Патент экспертизасини ўтказиш интеллектуал мулк

объекти эгасининг ҳуқуқларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда Европа патент ташкилоти етакчи мутахассисларининг патент излашлари ўтказишнинг техник жиҳатлари, ахборот манбаларини баҳолаш услублари, биотехнологиялар, интеллектуал мулкнинг бошқа янги объектиларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятларига оид маърузалари тингланди.

Токионинг Шибуйа даҳасида фаолият олиб бораётган Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлигининг (JICA) Хироо таълим марказида Ўзбекистон кўргазмаси ўз ишини бошлади.

## ТАЪЛИМ МАРКАЗИДА КЎРГАЗМА

Ушбу даргоҳда йилига уч мингдан зиёд япониялик талаба таҳсил олади. Улар асосан мамлакатдаги етакчи университетлар ҳамда ўқув юртларини битириб, ўз мутахассисликлари бўйича тажриба тўплаган ёшлардан иборатдир.

Марказ Япониядаги оддий ўқув курсларидан кескин фарқ қилади. Бир қарашда, бу ерда ўзбекистон ёшларини япон маданиятига қайта ўргатишаётгандек туюлади. Хусусан, талабалар икебана усулида гулдаста тайёрлаш, рангли қоғоз бўлакчаларидан қурама ўйинчоқлар, яъни оригами ясаш, шарқона спорт турларини ўзлаштириш сирларини ўрганишади. Бироқ, айтиш жоизки, таълим жараёнида хорижий тиллар ва маданий кўникмаларга доир тезкор ва мураккаб ўқув машғулотларига кенг ўрин берилган.

Эътиборли томони шундаки, Хироо талабаларининг маълум бир қисми бир неча йилдан буюн ўзбек тили ва маданиятидан сабоқ олиб келишмоқда. Қисқа давр ичида ўзбек тилини астойдил ўрганишга улгурган ёшларнинг бир неча гуруҳи Ўзбекистонга кўнгилчилар сифатида сафарга отланишган.

Хориж мамлакатларида ишлаб қайтган собиқ кўнгилчилар Япония ташқи ишлар вазирлиги кўмағида бундан қарийб йигирма йил олдин Япония Хорижий Ҳамкорлик Ассоциациясини (JOCA) ташкил этганлар.

Ўтган давр мобайнида ташкилот аъзолари кунчиқар мамлакатнинг қарийб барча префектураларида ўз ватандошларига чет элларда кўрганлари ва билганлари ҳақида сўзлаб бериб келмоқдалар.

JOCA президенти Е.Канеконинг қайд этишича, оддий япон фуқаролари ҳамда «хироочи»ларнинг бошқа мамлакатлар маданияти ва турмуш тарзини янада чуқурроқ англашларини таъминлаш мақсадида яқинда «Жаҳон сандиги» номли махсус коллекция йиғилди.

— Биз «Жаҳон сандиги» лойиҳаси орқали хорижий мамлакатлар орасидан биринчи бўлиб Ўзбекистонни таҳдид қилишга қарор қилганимиз бежиз эмас. Чунки илгари сизнинг аjoyиб мамлакатингизда меҳнат қилган япониялик мутахассислар бу ерга қайтган, японияликларда бой ўзбек маданияти ва тилига нисбатан катта қизиқиш уйғота олишди, — дейди Е. Канеко. — Мен аминманки, ушбу тадбир Хироо таълим маркази талабаларига Ўзбекистонни яқиндан ўрганиш ва «ҳис этиш» имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур кўргазма шу йил ноябрь ойига қадар давом этади.

**«Жаҳон» ва Ўзбекистон миллий ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.**

## Шифобахш

## Ғисматликлар

## ГУЛЖОХИҲҲҲҲ

...Жароҳатлар ва яраларни бириктиради.

...Шираси оғзидаги эскирган яралар ва оғиз оғриғига энг яхши дори-ди. Унинг қуюлтирилган ширасини олиш керак. Бу оғиз оғриғига (ниҳоятда) фойдалидир.

## ГУЛХАЙРИ

...Унда юмшатиш-пишириш, бўшаптириш ва шимдириш хусусиятлари бор, уруғ ва илдизлари қувватда унинг ўздан кучлироқ, қуритиш кўпроқ ва ўзи латифроқ.

...Уни сирка билан қўшиб доғларга суртилади ва (касалини) офтобда ўтказиб қўйлади; бу жиҳатдан унинг уруғи кучлироқ.

...У шишларни юмшатади ва қайтаради ҳамда қонли (шишларни) шимдиради, чипқонларни пиширади.

...У, айниқса, ўрдақ ёғи билан қўшиб ишлатилса, бўғинлардаги оғриқни босади...

...Агар уни қўйиб боғланса, қулоқ безларидagi шишларга фойда қилади.

...Қовоқ салқиганини ва шишларни қайтаради.

...Унинг уруғи иссиқ йўталга фойдали бўлиб балғамнинг кўчишини енгиллаштиради ва ўзидаги буриштириш қуввати туйфайли туйлашни тўхтатади. Унинг барглари ... зотилжам ва ўпка яллиғланиши касалликларига қўйиб боғланса фойда қилади...

...Гулхайрининг елими ташналикни босади.

...Гулхайри илдизининг қайнатмаси ичилганда, сийишдаги ачишишларга ҳамда ичакларнинг ачишишига... фойда қилади. Унинг барглари ҳам шундай таъсирга эга.

...Унинг уруғи ва елими ичкетилишни тўхтатади... Уни сув қўшилган сирка... билан аралаштирилганини ари чаққан жойга суртилса, фойда қилади.

## ГУНАФША

...Буни ҳидлаш ва суртиш қондан бўлган бош оғриғини босади. ...Қуюқ суртмаси арпа талқони билан биргаликда яллиғли шишларни босади. Янроғи ҳам шундай таъсирга эга.

...Гунафшаниннг ёғи қўтири учун яхши суртма-дир.

...Буни (қўйиб боғлаш ва ичиш) иссиқ кўз оғриқда яхши таъсир беради. ...Иссиқ йўталда фойда қилади. Гунафша, айниқса унинг шакарда пиширилган мураббоси кўкракни юмшатади.

...Меъданиннг яллиғланишида фойда қилади.

Ассалому алайкум муҳтарам Зийрак бобо! Хормай-толмай юрибсизми? Мен мухбир набирангиз Хушёржон бўламан. Мен сизга айтсам биз томонда кўнглининг бир чеккасини хижил қиладиган, кўрсангиз фиғонингизни фалакка чиқарадиган ишлар йўқ эмас. Шуларни ёзиб юборайми ёки ўзингиз бир келиб кетасизми? Бир ҳисобда келмаганингиз ҳам маъқул. Нега дейсизми? Кўриб қон босимингиз ошиб кетмаса деб кўраман. Бобожон! Келинг, яхисини ўзим ёзиб юбора қолай. Агар маъқул бўлса тахрир қилиб, каму кўстини тўғрилаб «оқшом»да чиқариб юборасиз.

Бобожон, Сиз Ватанга муҳаббат, меҳр-мурувват маҳалладан бошланади, деган гапни кўп такрорлайсиз, маҳаллаларимизнинг овод ва кўрак бўлишини орзу қиласиз. Уша орзуларингиз рўёбга чиқмоқда. Аксарият маҳаллаларимиз таниб бўлмас даражада овод ва файзли бўлиб кетди. Бирок шу гўзалликка соя солиб турган, унга доғ бўлиб тушаётган гўшалар ҳам йўқ эмас. Уларни кўриб кишининг таъби хира бўлиб кетади. (Гап Собир Раҳимов туманидаги «Сабзор» ва «Тахтапул» маҳаллалари хусусида бормоқда).

Хўш, кўнглисизлик дастлаб нималарда намоён бўлади? Бунинг асосий сабаблари нимада? Маҳаллаларо, хусусан, уйларо (дом) борли-келиди, қўни-қўшничилик муносабатлари яхши йўлга қўйилмаган. Ҳар бир уй ўз ҳолида яшайди, бош-бошига қўшилмайди. Бошқача қилиб айтганда, маҳаллаларо ҳам, уйларо ҳам аҳиллик, иноқлик, иттифоқлик, уюшқоқлик етишмайди. Чунинчи, 39-40 уйлар ёнма-ён жойлашган. Аммо бу ён-қўшни, жон-қўшни бир-бирларини яхши билмайдилар. Зеро, бу уйларнинг бирида жаноза бўлса, иккинчиси бе-ҳабар қолади. Бобожон, ўзингиз айтганингиздек, одамнинг бошида яхши-ёмон кунлар бор. Шундай кунларда одамлар бир-бирларига ҳамдам, ҳамнафас, елкадош, тобуткаш бўлмасалар уларни қандай маҳалла деб аташ мумкин.

Мен мазкур маҳаллаларда тез-тез меҳр-мурувват, қадрият, улуғ алломаларимизни хотирлаш кечалари ва мушоиралар ўтказилиб туришини истардим. Қани энди шундай тадбирларда ёзувчилар, таърихчилар, мўтабар отахонлар, онахонлар, хонандалар қатнасалар. Маҳалла аҳли, жамоат ҳам бўлса... Меҳр кўзда деганларидай кўз-

кўзга тушиб, меҳр-оқибат, яхши кўшничилик муносабатлари бошланиб кетса... Чунки бу ерда бир-бирларини танимайдиган, таниса ҳам тан олмайдиган қўшнилар бор. Парокандалик, уюшмаслик маҳалла аҳлига панд бермоқда. Утган йил куз ойларида қотиллар 39-уйда яшовчи она-болани ўлдириб, мол-мулкни, пулларини олиб кетган. Ён-қўшнилар бу фожияни билмай доғда қолишган.

Зийрак бобожон! Сиз бир суҳбатингизда ахил, баҳамжиҳат уйга ўғри ўйлашиб ту-

кин биз томондаги баъзи ноинсофлар тайёр ариқларни кўймоқдалар. Қадим замонларда Қайқовусдан қазиб келинган ариқ 44-уйнинг ёнидан ўтарди. Бундан беш-олти йил илгари 14-мактабда бўлиб этилган дарахтзор ва гулзорлар шу ариқдан сув ичарди. Ариқнинг бир қисми кўмилгандан кейин дарахтлар қуриб, гулзорлар пайхон бўлди...

Бобожон, ҳаммасиям бир бўлди 39-уйдаги аянчли ахвол ҳам бир бўлди. Уй соҳибларининг хасратидан чанг чиқади. Эшитиб юрак-

*Аттиқ, аммо оғиқ гап*

## ЗИЙРАК БОБОГА ОЧИҚ ХАТ

шадди, деган эдингиз. Уша ибратли гапингиз ҳеч ёдимдан чикмайди.

Маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар, эски ҳовли-жойларнинг ён-атрофи аянчли ахволга тушиб қолган. Уюму чикиндиларни кўрмаган ҳам, қуйманг ҳам. Минглаб одамлар истиқомат қилаётган бу уй-жойлар кимсасиз, қаровсиз харобаларга ўхшайди. Қанча-қанча бўш, ҳувиллаб ётган ерларни кўриб, юрак-барингиз эзил-кетди. Айниқса, 1-а-2-а ва 3-а-уйлар оралиғидаги бири кечтарча ташландиқ ерни кўриб афсус-надоматлар чекасиз.

Қани энди биладига кучи бор, юрагида ўти бор, ҳаμιятли эр йигитлар энг шимайиб иш бошлаша, шу ерга турли-туман дарахт қўчатлари экилса, гулзорлар, боғ-роғлар бунёд этилса. Бунинг учун нима керак? Ҳиммат ва ташаббус керак. Мазкур маҳаллаларда ташаббус йўқ. Маҳалла фаоллари ташаббус бошлаша эл хашарга чиқади, уйлар атрофи овод ва кўрак бўлади. Саъдий Шерозий айтганидек:

**Ҳар ишдаким инсон кўрсатур химмат, Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат...**

Муҳтарам Зийрак бобо, аждодларимиз Сир, Амудан, Зарафшондан сув чиқариб саҳроларни боғу бўстонларга, экинзорларга, гулгалар водий ва вохаларга айлантиришган. Чунки эл-юртни сув билан маъмур этиш эзгу иш ҳисобланган. Ҳозир ҳам шундай. Буни қадриятларимизнинг чуқур илдизларидан бири деса ҳам бўлади. Ле-

бағрингиз эзилиб кетади. Ертўладаги барча темир қувурлар аллақачон ишдан қалган, сув шириллаб оқиб ётади. Муттасил оққан сув аввал кўлмакка, кейин боққоқа айланиб кетган. Бу ер чивин, пашша, суварак, бурга ва бошқа хашаротларнинг доимий маконига айланиб қолган. Ишдан ҳориб-толиб қолган одамлар кечаси билан чивин отлиқ қасофат билан курашиб чиқадилар. Чивиндан айниқса, болалар, кексалар, беморлар қаттиқ азият чекмоқдалар, турли юкмули касалликлар келиб чиқмоқда.

Бу аянчли ахволни кўрган бир хаваскор шоир мазкур уй эгаларининг арзу додини ифодалаб қуйидаги шеърни ёзибди:

**Ҳар кеча уйқум бузиб озор беродурсан чивин, Найза санчиб, қон ичиб безор қилодурсан чивин, Сен Шуқурнинг даврида яйраб юродурсан чивин,**

**Ҳар кун шомдан саҳар «сайраб» юродурсан чивин, Дод дастингдан чивин, бедод дастингдан чивин! Раҳмат айт Шуқур оғанга, кечалар «сыйла» уни, Биз каби бедор ўтсақ тангри берган ҳар туни, Чунки ул одамгамас сенга гамхўр, меҳрибон,**

**Аҳли Себзор номидан арзихол этдик баён, Дод дастингдан чивин, бедод дастингдан чивин!** Шеърда ҳажв этилган Шуқур ким экан, деб ҳайрон бўлсангиз керак-а. 39-уй соҳибларини чивинга талатиб

қўйган, хонадонларни зах бостириб юборган Собир Раҳимов туман «Тахтапул» мулқдорлар ширкатининг бошлиғи Шуқур Ниёзов шу киши бўладилар-да. Мазкур уй эгалари бу ҳақда унга бир неча бор яхши гапирдилар, ялиниб-ёлбордилар. Бирок у бу талабларни назар-писанд қилмади... Унинг масъулиятсизлиги, назоратни бўшаштириб юборганлиги туйфайли бу уйда ўзбошимчиликлар, жамоат қонун-қоидаларини бузиш ҳоллари рўй бераёттир. Шу уйнинг 78-хонадо-нида истиқомат қилувчилар 4-йўлак чиқиндиҳонасини ўзининг хусусий «устахона»-сига айлантириб олган. Махфий йўл билан иссиқ-совуқ сув ўтказиб қўйган. Электр қувватидан ҳам худди шу усулда фойдаланади. Икки-та лампочка кеча-кундуз ёниб ётади. «Устахона»нинг олд томони, ён-атрофи ифлос, хароб. Бу ернинг ифлослигидан, қўлансалигидан фақат уй эгалари эмас, ўтган кетганлар ҳам азият чекмоқдалар. Шартли равишда «устахона» деб аталмиш бу исқиртонхонаниннг ичига қарай кўрманг. Беҳосдан кўзингиз тушиб қолса юрагингиз орқага тортиб кетади. Нега дейсизми? Енги хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилинмай катта-кичик идишларга тўлдириб қўйилган соляркаларни кўриб, юрагингизга гулгула тушади. Э, Худо ишқилиб ўт балосидан қай асра, деб юборасиз беихти-ёр.

Юқорида эслатилган хонадон машинаси бир кун юрса, уч кун юрмай тагидан қорамой, солярка оқиб ётгани-ётган. Оққанда ҳам унақа-бунақа оқмайди. Ҳаммаёқ қорамой кўлмаги бўлиб кетади. Бунинг устига бузуқ машина ҳар кун ювилади. Турли кимёвий моддалар, қорамой аралашиб кетган чиқинди сувлар 39-уй қаршидаги ариққа тушиб, сасиб ётади. Айниқса ёз кунлари қўланса хидига чидаб бўлмайди. Қоронғи тушиб, қош қорайиши билан чивинлар ана шу ерда гўжгон ўйнаб, сўнг хонадонларга тарқалади. Шуларни ширкат бошлиғи кўрмайди-билмайди дейсизми? Кўрса ҳам кўрмасликка, билса ҳам билмасликка олиб, ўтиб кетаверади. Билмадим, бу ҳол қачонгача давом этар экан?

Муҳтарам Зийрак бобо! Шикоят қилавериб Сизни чарчатиб қўймадимми? Насора, ростгўйликка, ҳақ гапни ёзишга ўзингиз ўргатгансиз. **Салом билан мухбир набирангиз ХУШЁРЖОН**

## Қаққаз

— Менда ажойиб бир фикр тугилди! — деди машхур америкалик олим Эдисонга унинг ёш шогирдларидан бири. — Ҳамма нарсаларни эритиб юборадиган универсал эритувчини кашф қилмоқчиман, лекин бу муаммони ҳал этиш учун маблағ масаласида қийналиб турибман. — Универсал эритувчи? — ҳайрон бўлиб сўради Эдисон. — Ахир, уни қайси идишда сақламоқчисиз?

Немис химиги Эгон Вибегг ўз маърузаларидан бирини шундай сўзлар билан бошлади:

— Уртоқлар, мен бу дарсимни хлоргази билан бўладиган тажрибаларни намойиш қилишдан бошламоқчиман. Хлор — бу жуда зарarli газ. Агар тажриба вақтида мен ҳушимдан кетиб қолсам, марҳамат қилиб, ташқарига — тоза ҳавога олиб чиқинглар ва шу билан бугунги

маърузани тугади, деб ҳисоблайверинглар.

Франц Шуберт қарз берганларнинг таъқибидан қўтилиш учун бир кунни деразага шимининг чўнтақларини ағдарган ҳолда илиб қўйди. Бу мени ҳам, ўзларингни ҳам ташвишга қўйиб, эшигини тақиллатиб келманглар дегани эди.

Машхур италян композитори Россинига ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлишганда у ўттиз ёшда эди.

Шаҳар маъмурияти бунни билдириб қўйиш учун унинг олдига вақил юборди.

— Ёдгорлик қангача тушаркин? — деб сўради ёш санъаткор.

— Уч юз минг лира. — Уч юз минг лира? — дея ҳикоят қилди Россини. — Уша гулни ўзимга берақолсангларчи? Мен бунинг эвазига Римнинг марказий кўчасида кунига

бир неча соат типпа—ттик туриб бераман.

Машхур немис актёри Девриент Шекспирнинг «Кирол Ричард III» трагедиясида қирол ролини ижро этарди. «О! О! О! Отга ярим қироллигини алмашираман!» деган машхур лўқмасидан сўнг залдан товуш эшитилди:

— Эшак бўлмайдимми? — Бўлади, келинг тезроқ! — жавоб қайтарди Девриент.

Ҳозиржавоблик даъвосини қилиб юрган бир хасис кўнлардан бир кун Абдурахмон Жомийнинг олдида ҳизил тарикасида шундай дебди:

— Таксир, уч тангам бор. Истайманки, шунга бир нарсасотиб олиб, тўйгунча есам-у қолганини яна уч тангага сотсам. — Бу жуда осон, — дебди Жомий, — қассобнинг олдига борасан-да уч тангага битта қорин сотиб олсан, ичидагини еб, яна ўзини уч тангага сотасан, вассалом!

**Ғошбон**

**ҲАЯЖОНЛИ  
ДАКИКАЛАРГА  
БОЙ БЕЛЛАШУВ**

КЕЧА мамлакатимизнинг олти шахрида XIII миллий чемпионатнинг 20-тур беллашувлари ўтказилди. Шубҳасиз, ушбу турнинг марказий баҳси «Пахтакор» марказий стадионида уюштирилган «Пахтакор» — «Насоф» жамоалари ўртасида кечди.

Шуни таъкидлаш жоизки, биринчи даврадаги Қаршида бўлиб ўтган учрашувда майдон эгалари тошкентликларга муносиб қаршилик кўрсатишган, натижада баҳс 0:0 ҳисобида якунлини пешкадам жамоага фақатгина бир очко насиб этганиди.

Аслида ҳар доим ушбу жамоалар баҳси мурасасиз кўрашларга бой кечади. Мухлислар қизикари, комбинацион ўйнинг гувоҳига айланади. Бу сафар ҳам мухлисларга ажойиб ўйин намойиш этилди. Ҳар икки жамоа майдонга фақат галаба учун тушганлигини исботлади. Дарвозалар томон уюштирилган хавфли ҳужумлар, комбинациялар мухлисларга ҳаяжонли дақиқаларни ҳада этди. Учрашувнинг 10-дақиқасида пахтакорчилар ҳужумини қайтаришга чоғланган Узокбоев хатога йўл қўйиб, автогол соҳибига айланди. Биринчи бўлим якунланишига 10 дақиқа қолганида эса қашқадарёликлар футболчиси Топулов жамоадошлари ҳужумини қойилмақом қилиб ниясига етказди. Жамоалар танаффусга 1:1 ҳисобидаги дурангни қайд этган ҳолда чиқди. Иккинчи бўлимда эса пахтакорчиларнинг бироз устунликлари сезилиб турди. Бу ўз самарасини бериб 50-дақиқада Солиев меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олди. Қолган 40 дақиқада эса ҳар икки жамоа томонидан кўпгина ҳужумлар уюштирилган бўлсада 2:1 ҳисоби ўзгармади.


Қолган учрашувлар қуйдагича якунланди. «Бухоро» — «Кизилқум» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Самарқанд» — «Динамо» — 2:1, «Металлург» — «Андижон» — 0:0, «Машъал» — «Нефтчи» — 0:1.

БУГУН ўтадиган «Трактор» — «Навбахор» жамоалари беллашуви билан 20-тур якунланади.

Навбатдаги 21-тур учрашувлари 16 октябрда бўлиб ўтади. **(Ўз муҳбиримиз)**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йил 11 июнда яқка тартибдаги тадбиркор Азимов Нурулла Раҳматович номига берилган №1520 рақамли товар операциялари ва даромадларни ҳисобга олиш дафтари йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Узқувлойтих» институти жамоаси институт директори Санжар Содиқович Исмоловга уқиси **САЙДБҲУРХОННИНГ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.



**ФАҲРИЙЛАР МАҲОРАТ  
КЎРСАТИШДИ**

Тошкент вилоятида жойлашган «Аранчи» аэродромида авиациямиз соҳаси ходимлари — учувчилар, парашютдан сакровчилар, «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги ўқув курсларида сабоқ олган курсантлар иштирокида тез-тез қизикарли тадбирлар ўтказилиб турилади.

Бу гал «Аранчи» ҳар доимидан ҳам кўра мухлислар ва мутахассислар билан гавжумроқ бўлди. Зеро, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли миллий авиация клубининг 70 йиллигига бағишланган авиация спорти байрами кутилганидан ҳам зиёда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган байрам тадбири ранг-баранг чиқишларга бой бўлди.

Дастлаб «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси, полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоров парашют спорти фахрийлари, миллий авиация клуби аъзоларини қутлуг байрам билан қутлаб, келгусидаги ишларида бахт ва омад тилади. Юртимизда парашют спорти ривожига ўз хиссасини бағишган бир гуруҳ фахрийларга ва аэроклубнинг заҳматкаш ходимларига «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ақриқилан эсдалик совгалари топширилди.

Ўзбекистон Куролли Кучлари махсус операциялар батальони курсантларининг кўргазмали чиқишлари, Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонанда ва созандалари иштирокидаги концерт дастуридан сўнг асосий мусобақалар бошланди. Дастлаб парашют спорти фахрийлари парашют орқали аниқ сакраш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. 600 метр баландиқдан катта маҳорат ила парашютда сакраётган фахрийлар орасида 68 баҳорни қаршилаган Саняя Калиневич, 65 ёшдаги Сакина Фараҳоваларнинг борлиги аёлларимизнинг ўтюрракли ва шижоатли эканидан дарак беради.

Дарҳақиқат, шу куни йигилганлар кўплаб бетакрор манзараларнинг шохиди бўлишди. Хусусан, авиация клуби вакиллари ва спортчилар 1200 метрдан жуфт ва яқка тартибда сакраб ҳавода турли мураккаб ҳолатларни кўрсатишди. Айниқса, спорт устаси йўриқчи-учувчи Ринат Акчурин «Як-52» самолётида ҳаво кемасини олий бошқарув намуналарини кўрсатганида тадбир иштирокчилари унинг улкан маҳоратига тан беришди.

Ҳакамлар ҳисоб-китобидан сўнг парашют спорти фахрийлари мусобақасида эркаклар ўртасида Н.Касьянов ғолиб чиққан бўлса, С.Казанцев ва Н.Ҳажимуратовлар совриндорлар сафидан жой олганлиги маълум бўлди.

Аёллар баҳсида эса С.Дергуновага тенг келадиганлар топилмади. Энг ёши улуг қатнашчи С.Калиневич иккинчи бўлди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчи ҳамда ҳомийларнинг совгалари топширилди.

Уйлаймизки, миллий авиация клуби жамоаси келгусида ҳам ёш авлоднинг авиацияга ва авиация спортига бўлган иштиёқини қондириб, Куролли Кучлар сафларига чиниққан, теҳли, мард ва жасур Ватан ҳимоячиларини етказиб бериш орқали мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга ўзларининг муносиб хиссаларини қўишади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ  
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.  
Ҳакимжон Солиқов олган суратлар.**

**Баласизми?**

**ТАБИАТНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ**

Сўнгги йилларда табиат ҳақида бизнинг билимимиз тобора чуқурлашиб бормоқда, шунга кўра инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири ҳам кучаймоқда. Бинобарин, тирик мавжудотларни асраш ва ўрганиш зарур деган мавзуга такрор-такрор қайтишимиз табиийдир.

Табиатда барча турлар ўзаро боғлиқ, биронта турнинг қирилиб кетиши кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки барча ҳайвон турлари ҳар доим ўзгариб турадиган ташки муҳит шароитига қайтадан мослашиб бориши керак. Ана шу жараён ҳар хил турларда бир хил кечмайди. Демак, яшаш шароитига мослашиш узлуксиз давом этадиган жараён. Шунга кўра турлараро муносабатлар ҳам янгитдан шаклланиб боради.

Масалан, Африканинг баъзи бир кўлларида балиқчиликнинг ривожланиши бегемотлар фаолиятига боғлиқ экан. Бир неча ўн йил муқаддам мазкур кўлда бегемотлар кўп бўларди, шунга кўра балиқчилик ҳам ривож топган эди. Бегемотлар қириб ташланган тез орада балиқлар ҳам йўқолди. Бу иккала тур орасидаги муносабат жуда оддий: бегемотлар сувдаги ўсимликлар билан озиқланиб тезақлари билан сувни ўғитлайди, натижада балиқларнинг ҳўраги бўлмиш

ўсимликлар ривожланади. Шундай қилиб кўлда бегемотлар сони тиклангач балиқлар яна кўпайди.

Жониворларни иқлимлаштиришда ҳам турлараро муносабатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Баъзан шундай бўладики, бирон турни янги жойга ўргатиш кутилмаган натижаларга олиб келади. Яқинда матбуотда шундай хабар босилди. Амазонка дарёсидан Гатун кўлига кўчирилган Туканери деган балиқ ана шу кўлда яшайдиган 12 та балиқ турига кирон келтиради. Ўз навбатида кўлдан озиқландидаган қушлар сони камайа бошлаган. Натижада эса бу ерда майда чивиллар кўпайиб кетган.

Энди турлар орасидаги мураккаброқ муносабатларга мисол келтирамиз. Гап кимёвий экология ҳақида боради. Баъзан шундай бўладики, муайян тур узидан заҳарли кимёвий моддалар чиқариб, бошқа турларни ҳам заҳарлаб қўяди. Масалан ўсимликхўр ҳашаротлар ўсимлик ишлаб чиқарган моддалардан ўз

душманига қарши курашда фойдаланади, яъни айрим капалакларнинг гўмбақлари ўсимликдаги ана шу заҳарли моддаларни егани учун қушлар бундай гўмбақлар билан озиқланмайди. Ҳаттоки сут эмизувчи жониворлар ҳам, масалан айрим кирпилар бақаларга ҳужум қилиб, унинг қулоқ атрофидаги заҳарли безларини ғажиб, ажралаб чиққан заҳарни йиғидада ўз тиканларига суркаб чиқади. Қизиқ шундаки, 15-16 кунлик, ҳали кўзи очилмаган кирпи болалари ҳам онасининг ниналаридан заҳар олиб ўз танасига суркаб чиқади.

Ҳозирги кунда ҳар қандай аҳамиятсиз тур, ҳаттоки зиён келтирадиган бўлсада, уни йўқотиб юбориш мақсадага мувофиқ эмас. Гап шундаки, биз у ёки бу турнинг келажақда инсон ҳаёти учун қанчалик аҳамиятга эга бўлишини олдиндан айта олмаيمиз. Масалан, заҳарли ҳисобланган моғор замбуруғи кейинчалик инсон учун антибиотик дорилар ишлаб чиқарадиган манбага айланган. Бунда пенициллиннинг кўрсатган хизматини ҳамма билади. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса шуки, нафақат айрим турларни, балки барча турларни ва популяцияларнинг хилма-хиллигини сақлаш ва ўрганиш керак.

**Яҳё ДАВЛАТОВ,  
биология фанлари доктори.**



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

**Бош муҳаррир  
Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ объект усулида босилади.  
2680 нусxada босилади. Кўпга бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чикади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнииз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашрийет-матбаа акционерлик компанияси босмоқдонди.  
Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.